Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 28-fevral, shanba, № 28 (3533)

Маънавият— инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Ислом КАРИМОВ

Сайлов — 2015

Ислом Каримовнинг Бухоро ва Навоий вилоятлари сайловчилари билан учрашувлари

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 27 февраль куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Бухоро округ сайлов комиссияси раиси М.Даминов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини изчил юксалтириш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби энг муҳим стратегик мақсадларнинг ўн йўналиши белгилаб берилган. Жумладан, саноатга замонавий технологияларни жорий қилиш ва янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, хусусий мулк ва тадбиркорлик соҳасини кенг ривожлантириш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, экин майдонларини оптималлаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, маҳаллийлаштириш дастурини ривожлантириш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Вилоят иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. 2014 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 8,2 фоиз ўсди. Кимё, нефт-кимё, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, қурилиш материаллари ва мебел ишлаб чиқариш соҳаларида 296 лойиҳа амалга оширилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳа бўйича қурилган 830 дан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилди.

Бухоро туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, транспорт инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида бу соҳа изчил тараққий этмоқда.

Учрашувда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи муҳандис-технологи Х.Латипов, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, халқаро тоифадаги спорт устаси З.Санақулова, Олот туманидаги «Ойдин» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Н.Олтиев ва бошқалар тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётган замонавий давлатга айлангани, одамларнинг ҳаёт даражаси, дунёқараши ва маданияти тобора юксалиб бораётганини фахр билан таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов Навоий вилояти сайловчилари билан ҳам учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Навоий округ сайлов комиссияси раиси Ў.Мавлонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов учрашувда нутқ сўзлади.

Номзоднинг дастурида мамлакатимиз куч-қудрати, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистоннинг дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олишида муҳим омиллардан бири бўлган хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлаш, саноатни модернизациялашга доир ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қайта кўриб чиқиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, инвестициявий муҳитни такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, барча давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби устувор йўналишлар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва модернизация жараёнлари миллий иқтисодиётимизнинг юксалишида асосий омил бўлмоқда. Навоий вилоятида кончилик индустрияси, тўқимачилик, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жадал ривожланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафи тобора кенгайиб, маҳаллийлаштириш дастури асосида йирик лойиҳалар ўзлаштирилмоқда. Натижада хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, экспортчи тадбиркорларни дунё танимоқда.

Янгиланиш ва ўзгаришлар нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ ва олис ҳудудларда ҳам изчил давом этмоқда. Аҳоли маданият ва дам олиш масканлари, болалар спорти иншоотлари, намунавий лойиҳадаги уй-жойлар замонавий инфратузилмани шакллантирмоқда.

Учрашувда "Навоийазот" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Т.Саидов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, давлатимизнинг халқаро нуфузини ошириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, бахтли ва фаровон яшашига, ўз олдига қўйган улуғвор мақсадларига эришишига хизмат қилаётганини ифтихор билан таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни кўппартиявийлик асосида, очиқлик ва ошкоралик тамойилларига амал қилган ҳолда ўтаётгани мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётганининг амалдаги ифодаси эканини қайд этди.

А.САМАДОВ,
Э.ЁДГОРОВ,
М.ЭЛМУРОДОВ,
Н.РАҲИМОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги

ЎзА фотомухбири Отабек МИРСОАТОВ олган сурат

Халқимизнинг севимли шоири

«Туркистон» саройида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллик юбилейига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

Халқимизнинг суюкли шоираси Зулфиянинг баҳор нафаси, табиатга, ҳаётга муҳаббат ғоялари билан лиммо-лим тўла ижоди қалбларга самимият бағишлайди. Унинг шеърлари она-табиатга, шу табаррук тупроққа, унинг меҳнатсевар, фидойи инсонларига, мунис опа-сингилларимизга чуқур эҳтиромга йўғрилгани билан ғоят қадрлидир.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан ардоқли шоиранинг 100 йиллик таваллуд айёми кенг нишонлангани ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалбида ватанпарварлик, ибратли анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром, миллий адабиётимизга бўлган меҳр ва иштиёқини тобора кучайтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Туркистон» саройида 27 феврал куни Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Ҳ.Ортиқбоева ва бошқалар мамлакатимизда ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик адабиёт, санъат, маданият ва маънавиятимизни, илм-фанни тобора равнақ топтириш, янгича фикр ва дунёқарашга эга бўлган авлодни вояга етказиш, ижодкорларни янгидан-янги марралар сари руҳлантириш имконини бераётганини таъкидлади.

Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларда миллий адабиётимиз ривожи йўлида самарали фаолият кўрсатган ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини қадрлаш, хотирасини эъзозлаш, асарларида таннум этилган ғояларнинг мазмун-моҳиятини китобхонлар орасида кенг тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Зулфиянинг шеърияти навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни она-Ватанга муҳаббат, эзгулик, юрт тақдирига дахлдорлик, инсонийлик, меҳр-садоқат, саховат, поклик ва ҳалоллик, меҳнатсеварлик ғояларида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади. Шоиранинг «Ҳаёт варақлари», «Ҳижрон кунларида», «Юрагимга яқин кишилар», «Мушоира» каби шеърий тўпламлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Соғинч, изтироб, ҳаётга чексиз муҳаббат билан йўғрилган «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Халқимга айтар сўзларим», «Соғиниш», «Салом, тансиқ баҳор!», «Шарқнинг ўзи Она бўлган ҳамиша» каби шеърлари адабиёт мухлисларини гўзалликка, инсонни, ҳаётни қадрлашга ундаши билан бирга меҳр, садоқат, сабр-қаноат, матонатдан сўзлайди. Узоқ йиллар «Саодат» журналининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатган Зулфия моҳир таржимон, жамоат арбоби, журналист сифатида ҳам самарали меҳнат қилди. Камтарин, оддий, айни дамда теран маънавият соҳибаси, ўзбек зиёли аёлининг ёрқин тимсоли бўлган Зулфия қизларимиз учун чинакам ибратдир.

●●●○▶4

▽Оммавийлик сари

Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, бу орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида ҳам тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

СОҒЛОМ ТУРМУШ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Юртимизнинг барча ҳудудларида турли мусобақалар, тармоқлараро спартакиадалар, оилавий спорт тадбирлари ташкил этилмоқда.

"Спорт — саломатлик гарови" республика спартакиадаси ҳам худди шу мақсадларга қаратилган. Мазкур мусобақа 4 босқичда стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка, бадминтон ва сузиш бўйича ўтказилмоқда.

1-босқич корхона, ташкилот ва муассасаларда, 2-босқич туман ва шаҳар миқёсида ташкил этилиб, уларга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида турли тармоқларда меҳнат қилаётган ходимлар қамраб олинди.

Спартакиаданинг қуйи босқичлари 30 минг 500 га яқин корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилиб, 380 525 та жамоа таркибида 6 млн. 89 минг нафарга яқин меҳнаткаш иштирок этганлиги унинг қанчалар оммавийлашиб бораётганидан далолатдир.

●○●●▶2

2 март — Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган кун

"Ўзбекистон келажакда тенг ҳуқуқли ва суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўладиган кун келишига аминман. Бу — бизнинг қонуний ҳуқуқимиздир, бу — халқаро қонунларга асосланган давр талабидир, жафокаш ўзбек халқининг, республикамизда яшовчи барча эрксевар фуқароларнинг истагидир".

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Юртбошимиз Ислом Каримов бу гапларни Ўзбекистон мустақиллиққа эришмасдан олдин, мустабид тузум ҳукм суриб турган 1991 йил 12 июнда айтган эди.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари халқимиз тақдирида муҳим бурилиш ясади. 123 йил ҳукм сурган истибдоддан сўнг озодлик қўлга киритилди ва Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун ва унда илгари сурилган ғоялар халқимизнинг азалий орзу-умид ва мақсадларини, озод ва обод ҳаёт қуриш истагини ўзида мужассам этди. Халқаро ҳамжамият уни қўллаб-қувватлади. Ва ниҳоят, 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди.

Мустақил давлатимиз ушбу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлганидан бери орадан ўтган 23 йил мобайнида жаҳонда ўз ўрни ва мавқеини белгилаш мақсадида изчил, айни пайтда барқарор ташқи сиёсат олиб бормоқда. Мамлакатимиз бу даврда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифасини муваффақиятли амалга оширди. Хусусан, Ўзбекистон қатор нуфузли молиявий ва халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Бугунга келиб Ўзбекистон дунёдаги 130 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқа ўрнатган. Ҳозир Тошкентда 90 га яқин давлатларнинг элчихона ва консуллик идоралари, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ваколатхоналари, 50 дан ортиқ мамлакатларда эса Ўзбекистоннинг элчихона ва консуллик идоралари фаолият олиб бормоқда.

●●○●▶3

▽2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимизнинг ўзига хос юксак маънавий ва маданий белгисидир. Ўзбек халқига азалдан хос бўлган бундай юксак фазилатлар истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

Мамлакатимизда 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастури қабул қилинди

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича беш тамойилга асосланган тараққиётнинг "ўзбек модели" мамлакатимиз истиқболини тубдан ўзгартириш йўналишларини белгилаб берди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий базага асосланган ишончли тизимни шакллантириш эса ушбу моделнинг асосий йўналишларидан биридир. Зеро, инсон, унинг ҳаёти ва орзу-умидлари давлатимизнинг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 мартда қабул қилинган "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва 2011 йил 30 майдаги "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатлар пенсия ёшидаги фуқаролар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларининг фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ижтимоий соҳанинг изчил такомиллаштириб борилаётгани Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан ёрқин далолат беради. Иқтисодиётимизнинг жадал ва барқарор ривожлантирилаётгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йили мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўм пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақа пули ажратилди. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий-курортларда даволанмоқда, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар ҳам кекса авлод вакилларига моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатмоқда ва бу борадаги ишлар кўлами мунтазам кенгайиб бораётир. Масалан, ўтган йили кекса ёшдаги фуқаролар ҳаётини янада яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар фаол иштирок этди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ушбу ташкилотлар кўмагида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида саёҳатда бўлди, амбулатория ва стационар даволаш муассасаларида даволанди, санаторийларда саломатлигини тиклади.

Мамлакатимизда ёши улуғ инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилмоқда. Зеро, улар юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига катта ҳисса қўшган.

●○●●▶2

2015-yil 28-fevral, shanba, № 28 (3533), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жорий йилда ҳам ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ушбу йўналишда янги ташаббусларни бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида жорий йилда амалга ошириладиган хайрли ишлар белгилаб берилган.

Мазкур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни халқимизнинг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Олти бўлимдан иборат ушбу дастурда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Бу борада ишлаб чиқилаётган ҳужжатларга мувофиқ, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш режалаштирилган.

Кексалар, авваламбор, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш кучайтирилади, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхати кенгайтирилади. Уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайтирилади.

Мисол учун, бу йил 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг ҳар бири мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизор ва мобил телефонлар билан бепул таъминланади, уларга маҳаллий ва шаҳарлараро чиқиш қўнғироқлари учун ҳар ой абонент тўлови олинмасдан 60 дақиқалик бепул лимит берилади. Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари мамлакатимиздаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бориш учун йилига бир марта темир йўл транспортида бепул юриш ҳуқуқидан, шунингдек, ҳаво транспортида 50 фоиз миқдоридаги чегирмадан (бориш-келиш) фойдаланиши мумкин.

Давлат дастурида фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, жорий йилда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш ташкил қилинади.

Бундан ташқари, бу йил ёши улуғ инсонлар кинотеатр, театр, музей, концерт томошалари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга бепул бориш имкониятига эга бўлади. 100 ва ундан катта ёшдаги кишиларни улуғлаш учун «Аср билан юзма-юз» акцияси ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш режалаштирилган.

Кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини янги босқичга кўтаришга доир ишлар самарадорлиги оширилади, улар учун туман ва маҳаллаларда қизиқиши бўйича клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шуниси диққатга сазоворки, барча маҳаллаларда отахонлар чойхоналари ташкил этилади ва уларда зарур шароитлар яратилади. Одатда чойхонада маҳалла аҳли бир пиёла чой устида суҳбатлашиш, сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш, шахмат-шашка ўйнаш учун тўпланади. Энди бу ерда улар биргаликда телевизор орқали махсус кўрсатувлар, спектакл ва филмлар томоша қилиши мумкин. Жорий йилда кексалар учун мўлжалланган бундай томошалар тайёрлаш янада кўпаяди.

Маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган сектор мустаҳкамланади, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идоралар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатувчи идоралар фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

Ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар учун «Кексалар дуосини олайлик» акциясини ўтказиш ва тадбир доирасида уларни зарур мебел ва уй жиҳозлари, кийим-кечак, бадиий адабиёт, стол ўйинлари тўпламлари билан таъминлаш режалаштирилган.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида тадбирлар ўтказиш мўлжалланган. Бу тадбирлар доирасида ҳар бир вилоятдан кекса авлод вакилларини мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш учун саёҳат уюштириш, "Энг яхши маҳалла гузари", "Кексалар — оила таянчи" ҳудудий кўрик-танловлари ўтказилади.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган ушбу хайрли ишларни амалга ошириш учун 2 триллион 246,5 миллиард сўм ва 229,6 миллион доллар ажратиш кўзда тутилган.

Бугунги дориломон кунларда умргузаронлик қилаётган фахрийларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларга эътибор қаратиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари —1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармони ҳам кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди. Ушбу Фармон фашизм устидан қозонилган Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган юртдошларимиз — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини муносиб ҳурмат-эҳтиром билан шарафлаш мақсадида қабул қилинди.

Инсон жасоратини эсга олиш ва уни қадрлаш бебаҳо маънавий бойлик, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган қадриятларимиздан биридир. Давлатнинг куч-қудрати нафақат унинг армияси билан, балки мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, фуқароларнинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, ватанпарварлиги, ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлигида ҳам намоён бўлади. Зеро, бу муқаддас замин — Ўзбекистонда инсон азиздир.

Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар учун нафақат моддий, айни пайтда катта маънавий-руҳий мададдир. Юртимизда бундай ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик туйғуси фуқароларимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончида, ёш авлодни Ватанга, мустақилликнинг буюк ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўз ифодасини топмоқда.

ЎзА

ЎзА сурати

СОҒЛОМ ТУРМУШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мусобақанинг вилоят босқичи Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати АЖга қарашли янгидан қуриб битказилган спорт мажмуасида катта тайёргарлик ва уюшқоқлик билан ташкил этилди. Мусобақада барча тармоқлардан ташриф буюрган 22 жамоа таркибида 380 нафардан зиёд спортсевар ходим ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Мусобақанинг очилиш маросимида ЎзКУФК раиси ўринбосари Тўлқин Тешабоев йиғилганларни қутлаб, барчага омад тилади.

Спортсеварларнинг ғалабага бўлган иштиёқи, хатти-ҳаракатлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, ёши улуғ қатнашчиларнинг ғайрат ва шижоати кўпчиликка ўрнак бўлди.

Қизғин кечган волейбол беллашувларида Оҳангарон тумани жамоаси энг кўп очко жамғарган бўлса, кейинги ўринлар "Ўзметкомбинат" ОАЖ ва Ўртачирчиқ тумани жамоаларига насиб этди.

Чаққонлик ва эпчиллик синовдан ўтган стол тенниси баҳсларида эркаклар ўртасида Сардор Абдураззоқов, Дилявер Йўлдошев, Ҳасан Қаҳҳоровнинг қўли баланд келди. Аёллар ўртасида эса Ирина Шоаҳмедова, Элвира Зиявуддинова, Элефтерия Пишу шоҳсупадан жой олди.

Қарию ёшни бирдай хурсанд қилган, бу йил мусобақа таркибига янгидан қўшилган бадминтон мусобақаларида эркаклар орасида Сергей Мўминовнинг қўли баланд келди. Одил Олимжонов ва Алишер Орипов совриндорлар сафидан жой эгаллади. Аёллар ўртасида Элвира Юсупова, Роза Артёминко, Нилуфар Юсупова кучли учликни ташкил этди.

Ақл ва тафаккур баҳси — шахмат бўйича эркаклар ўртасида Андрей Тюменцев, Сухроб Жумаев, Алишер Ниёзов шоҳсупадан жой эгаллади. Аёллар орасида эса Мафтуна Маматқулова, Шаҳноза Исроилова, Жамила Холова совриндор бўлди.

Шашка бўйича ўтказилган баҳслар ҳам ғоят қизиқарли тус олиб, унда Раҳмат Тошбоев, Тўхтасин Носиров, Ниятбой Давлатмуродов ҳамда аёллар ўртасида Шоиста Исометова, Нигора Таласова, Ёдгора Пўлатова ғолиб ва совриндорлар сафини тўлдирди

Сузиш беллашувларида Александр Смолов, Бобур Турдиев, Шуҳрат Қурбонов эркаклар ўртасида ғалаба нашидасини сурди. Аёллар баҳсида Файруза Денешова, Фая Муҳаммадярова, Сайёра Абдуназарова маррага барчадан илгари етиб келишди.

Шунингдек, Тожибой Собиров ва Зуҳра Каримова "Энг ёши улуғ иштирокчи", Саидиброҳим Акмалхўжаев ҳамда Лаззат Собирова "Энг ёш иштирокчи", Мелис Малдабеков, Муаззам Холматова "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", Паркент тумани волейбол жамоаси ва Шакар Бухарова "Ғалабага бўлган интилиши учун" номинацияларғолиби сифатида эътироф этилди.

— Касаба уюшмалари томонидан бундай мусобақалар доимий равишда ташкил этилмоқда. Иштирокчиларнинг хурсандчилигини кўриб, биз ҳам чин дилдан қувондик. Муҳими, уларнинг саломатлиги. Табиийки, иш унумдорлиги ҳам сезиларли равишда ортади, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудираси Шаҳноза Одилхонова.

— Юртимизда кексаларга берилаётган эътибордан жудаям хурсандмиз. Спорт билан эса ҳар қандай ёшда шуғулланиш мумкин. Бугунги мусобақа ташкилотчиларига ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни биладирамиз, — деди Тожибой Собиров.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Муаллиф олган суратлар

***

— Соғлиқ — бебаҳо неъмат. Бу неъматни спорт билан доимий шуғулланиш натижасида сақлаш мумкин, — дейди Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қ.Эшназаров. — Касаба уюшмалари ходимларни ана шу бебаҳо неъматнинг доимий ҳамроҳга айлантиришга эришмоқда.

Спартакиаданинг вилоят босқичи Гулистон шаҳар марказидаги мухташам "Алпомиш" спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Спорт тадбирида 170 нафар ходим қатнашди.

— Бошқарма меҳнат жамоасига қўшилганимга 4 йил бўлди. Шу давр мобайнида касаба уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган кўплаб тадбирлар иштирокчиси бўлдим, — дейди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчиси Ахтем Саттаев. — Бугун сузиш бўйича ғолибликка эришдим.

Мусобақаларнинг шахмат ва шашка турлари баҳсларида ёши улуғ қатнашчилар фаол бўлишди.

— Меҳнат жамоамизда биринчи эдим. Мана вилоятда ҳам омадим чопди, — дейди Шерқул Рашидов. — Улар билан беллашиш завқ бағишлади. Умрнинг муайян палласини спортга ошно қилиш ҳамманинг қўлидан келади. Бунинг учун хоҳиш ва истак бўлса кифоя.

Стол тенниси баҳсларида эркаклар ўртасида Ў.Содиқов, аёллар ўртасида Г.Турдиматова, жамоавий волейбол мусобақаларида Сирдарё ИЭС аёллар жамоаси, шашкада эркаклар ўртасида Б.Худойқулов, аёллар ўртасида Г.Мирзаҳмедова, шахматда эркаклар ўртасида Ш.Рашидов, аёллар ичида Г.Абкелямова, бадминтон баҳсларида Ш.Боймуродова ҳамда Г.Наурзалиева, сузишда эса А.Саттаев ва Г.Хусаиновага тенг келадигани топилмади.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

***

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Термиз шаҳрида спартакиаданинг вилоят босқичи ташкил этилди.

Ушбу тадбирга шаҳар, туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 196 нафар ҳаваскор спортчи ташриф буюрди.

Бирлашма барча шарт-шароитларни яратиб берди, иштирокчилар спорт кийим-кечаклари ва жиҳозлар билан таъминлангани эса нур устига нур бўлди.

Қизиқарли ва кўтаринки руҳда ташкил этилган спартакиаданинг стол тенниси тури бўйича аёллар ўртасида Сабоҳат Раҳмонова, эркаклар ўртасида Шерзод Умархонов, шахматда аёллар ўртасида Хосият Ашурова, эркаклар ўртасида Бозор Пардаев, шашка бўйича аёллар ўртасида Маҳфуза Саидова, эркаклар ўртасида Караматулло Қурбонов, бадминтонда аёллар ўртасида Меҳринисо Абдураҳмонова, эркаклар ўртасида Бахтиёр Мирзаев, волейбол бўйича Музробот тумани жамоаси ғолиб деб топилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ў.ЎТАГАНОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Ўқув-семинар

Учқўрғон туманида мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини ташкил этиш, бошланғич ташкилотлар ютуқларини оммалаштириш юзасидан кўргазмали ўқув-семинар ўтказилди. Тармоқ касаба уюшмалари масъул ташкилотчилари ҳамда туман кенгашлари раислари иштирок этган ўқув иштирокчилари "Учқўрғон пахта толаси" ҳиссадорлик жамияти, Қайқи ҚВП, Бандликка кўмаклашиш маркази, ободонлаштириш унитар корхоналари, Ўзбекистон бадиий академияси Наманган вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернат бошланғич ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишишди.

ЯХШИЛИК ЯХШИЛИККА ЙЎЛДОШ

— "Учқўрғон пахта толаси" ҳиссадорлик жамиятида ишчи-ходимлар учун яратилган шароит, касаба уюшма қўмитасининг бу борадаги изланувчанлиги бизни қониқтирди, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси И.Шарофиддинов. — Айниқса, ходимларнинг жисмоний саломатлигига эътибор, маънавий соғлом муҳит учун иш берувчи ва касаба уюшма ҳамкорлиги таҳсинга сазовор. Эътиборли жиҳати, туман кенгашлари раислари билан «Маънавият соатлари»ни худди шу бошланғичда бўлгани каби цехма-цех ўтказиш тажрибасини оммалаштиришга келишиб олдик.

Семинарнинг якуний қисми ўтказилган Ўзбекистон бадиий академияси Наманган вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ютуқлари ҳам йиғилганлар томонидан эътироф этилди. Хусусан, мазкур таълим муассасасида ходимлар гимнастикасини ташкил этиш намунали йўлга қўйилган, кундалик машқларни бажаришга алоҳида хона ажратилган. Яна бир қувонарли ҳолат шундан иборатки, жамоа манфаати йўлида фаоллик кўрсатган ходимлар иш берувчи томонидан ҳам, касаба уюшма ташкилоти томонидан ҳам рағбатлантириб борилади.

Семинарнинг якуний қисмида бошланғичлар фаолияти таҳлил этилиб, ходимлар манфаатини ифодалашдаги янгича ёндашувларни, ютуқларни оммалаштиришга келишиб олинди. Шунингдек, туманда касаба уюшмалари соҳасида тизимли фаолият йўлга қўйилганлиги, бу борада янги механизм сифатида киритилган мувофиқлаштирувчи кенгаш ишининг таъсири катта бўлаётганлиги эътироф этилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
"Ishonch" мухбири

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хоразм вилояти ташкилотларининг бирлашган қўмитаси томонидан бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари учун ўқув-семинар ташкил қилинди. Тадбирни Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов олиб борди.

ХОДИМЛАР МАНФААТИ ЭЪТИБОРДА

Маълумки, шу кунларда бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилиш (конференция)лари давом этмоқда. Уни меъёр даражасида ўтказиш, беш йиллик фаолият юзасидан ҳисобот бериш, аввало, бошланғич ташкилотлар раислари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Етакчининг ўз вазифасини қай даражада пухта адо қилганлиги жамоадошларнинг нафақат унга, балки касаба уюшмасига бўлган ишончини оширади. Қолаверса, жамоа шартномаларининг ўтган йилдаги ижроси таҳлил қилиниб, янгиларини қабул қилиш, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш жараёни ҳам амалга оширилмоқда. Бу ҳам масъулиятли жараён саналиб, тийран фикр, жўяли мушоҳада ва синчковлик талаб қилади.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга муносиб иш шароити яратиш, умуман, устав талаби даражасида фаолият кўрсатиш куннинг долзарб вазифаларидан. Семинарда сўзга чиққан тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Дилдора Ҳошимова, тармоқ вилоят ташкилотлари бирлашган қўмитаси раиси Камолиддин Рўзметов шулар хусусида тўхталиб, аъзолик афзалликларини асослаш, ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш чораларини кучайтириш зарурлигини таъкидлашди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳам шундай ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда асосий эътибор, тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларига қаратилди. Бу масала юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Ҳалиловнинг таҳлилий ахбороти тингланди.

Шундан сўнг, бошланғич ташкилотларда жамоа шартномаларининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилишларни ўтказиш ҳамда меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя соҳасида касаба уюшмаларининг роли ва вазифалари муҳокама қилинди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
"Ishonch" мухбири

Булунғур туман ҳокимлигида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтган ўқув-семинар фермер хўжаликлари фаолиятида меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Семинарда туман ҳокими Х.Абжалов, агросаноат мужмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Ғулом Ўролов тадбирдан кўзланган мақсад, соҳа олдида турган вазифаларга эътиборни қаратишди.

Шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Насиба Мамадиёрова, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Тўхта Бозоров, тармоқнинг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Нормурод Ражабов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси Муҳаммад Сатторов, юридик бўлим мудири Фарруҳ Саъдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаати учун хизмат қилаётганини таъкидлашиб, амалдаги қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш бу борада муҳим аҳамият касб этиши ҳақида сўз юритишди.

Семинарда фермерлар томонидан берилган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Оромгоҳ қурилишидан репортаж

Узун туманидаги пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган 5 гектар майдонга эга, 240 ўринли "Хонжиза" болалар оромгоҳи қайта реконструкция қилинмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мамлакатимиздаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини реконструкция қилиш тўғрисидаги қарорига биноан, Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Узун туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётир. Қурилиш ишларини Термиз туманининг Учқизил шаҳарчасидаги "Собир қурувчи" механизациялашган хусусий қурилиш ташкилоти амалга оширмоқда.

"ХОНЖИЗА" ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Шу кунгача оромгоҳдаги эскирган 15 та катта-кичик бинолар бузиб ташланиб, қайта қурилди. Томлари эса замонавий архитектура дизайнлари асосида черепицалар билан ёпилди. Томларни ёпишда шамол йўналиши ва қиш фаслида қорнинг қалин тушиши ҳисобга олинди. Айниқса, учта кенг ва ёруғ ётоқхона замонавий усулда бунёд этилди.

Қурилиш корхонаси бош муҳандиси Усмон Омоновни иш устида учратдик. У тажрибали пайвандловчилар бригадири Зиёдулла Маматраимов билан мини футбол майдончаси учун зарур бўлган панжара тўсиқларини тайёрлаётган экан. Пайвандловчи Нурали Ҳайдаров эса баландлиги 6 метрли панжара тўсиқларини ёрдамчиси билан ўрнатаётир. Раҳмиддин Эргашев "ЛЕХБЕР" русумли лаҳм ковловчи ва тупроқ сурувчи техникасини моҳирлик билан бошқараётган бўлса, Алим Зоҳидов "Фотон" русумли 25 тонна тупроқ-тош кўтарувчи юк машинасида майдончага зарур бўлган юкларни келтириб тўкаяпти.

— Бу ерда болалар учун 40х20 метрли сунъий яшил тўшамали футбол майдончаси барпо этилаяпти, — дейди бош муҳандис Усмон Омонов.

Сўнг оромгоҳ директори Раҳматулло Соҳибов ҳамда бош муҳандис Усмон Омонов билан ёзги томошагоҳ биносини айландик. 300 нафар ўринга мўлжалланган томошагоҳ кўзни қувнатади. Томошагоҳга туташ майдончаларда янги меъморий усулда 4 та шийпон барпо этилган. Болажонларнинг соғлиги назорат қилинадиган тиббиёт хонаси ҳам кўркам кўринишда. 240 ўринли ошхона, омборхона, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона ҳам режа асосида қурилган.

Оромгоҳ бош биносидан чиқиб, 18х35 метр ҳажмдаги сузиш бассейнига ўтдик. Ҳовуз атрофида 10х28 метр ўлчамдаги ювиниш жойи қурилган. Парда Агаев, Худойберди Шокиров, Зайниддин Норбоев каби моҳир усталар бассейн атрофига гулли брусчаткалар қоплаш билан банд.

Бундан ташқари, оромгоҳ учун алоҳида трансформатор ўрнатилган. Узунлиги 2000 метр бўлган майдон ва йўлакчаларни ёритувчи қуввати 150 киловатга мўлжалланган ер ости кабеллари тортиб чиқилган. Чиройли ёритгичлар ўрнатилган. Болалар оромгоҳини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 2 километрли "Чашмаи девонаҳо" булоғидан полиэтилен қувурлар тортиб келтирилди.

Қайтар чоғимиз Усмон Омонов шундай деди:

— Насиб этса, тез кунларда "Хонжиза" болалар соғломлаштириш оромгоҳини фойдаланишга топширамиз. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлод камоли учун барпо этилаётган бу масканнинг юртимиздаги энг намунали оромгоҳга айланиши учун қўлимиздан келган барча ишни амалга оширамиз.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 28-fevral, shanba, № 28 (3533), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Тинчлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Нью-Йорк шаҳрида жойлашган БМТ қароргоҳида 194 мамлакат байроғи ҳилпираб туради. Ватандошларимиз учун улар орасида энг гўзали жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси байроғидир. Халқаро ҳамжамият қароргоҳи пештоқига Шайх Саъдийнинг қуйидаги пурҳикмат сўзлари битиб қўйилган: “Олам аҳли бир тананинг турли аъзолари бўлиб, у бамисоли гавҳар каби яратилгандир. Ана шу тананинг бирор аъзосида дард пайдо бўлса, бутун танага оғриқ тарқалади”.

Бугунги глобаллашув ва мураккаб халқаро жараёнларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида Ўзбекистоннинг мақсади мустаҳкам тинчлик, минтақавий барқарорлик, ўз ҳудудини ва минтақани оммавий қирғин қуролларидан халос этиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиққа йўл қўймасликдан иборат. Шу асосда ўз ташқи сиёсатини белгилаб олган мамлакатимиз Конституциясининг 17-моддасида бу ғоялар мустаҳкамланган. Шунингдек, мустақил давлатимизнинг халқаро ҳамкорлик, диний ва миллий бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда яхши қўшничилик сиёсати йўлидан бораётганлиги ҳам БМТ ва бошқа йирик халқаро ташкилотларнинг олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатлар, улардаги тамойиллар ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган. Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадр-қиммати ва эркинликлари ҳамма нарсадан устун экани Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган.

БМТга аъзо бўлиш ҳар бир давлат, ҳар бир халқ учун катта фахр ва ғурур бағишлаш билан бирга, жиддий масъулият юклайди. Бу борада Ўзбекистонимизнинг халқаро миқёсда жаҳон аҳамиятига молик йирик ташаббуслар билан чиқаётганлиги ва бу ташаббуслар БМТ томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини таъкидлаш муҳимдир.

Келинг, шу ташаббусларнинг айримларини эсга олайлик:

- Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинарини чақириш;

- БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган можароларни таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш бўйича махсус гуруҳ тузиш;

- Марказий Осиёни ядросиз зона деб эълон қилиш;

- Марказий Осиё минтақасида кимёвий ҳамда бактериологик қуролни тақиқлаш бўйича халқаро назорат ўрнатиш;

- Ядро қуроли ва умуман оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик;

- Марказий Осиёда наркобизнесга қарши ҳамкорликда курашиш учун БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш;

- Орол муаммоси бўйича БМТнинг махсус комиссиясини ташкил этиш;

- Хавфсизлик Кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини баб-баравар тарзда акс эттириши (Афғонистон ва умуман Марказий Осиё муаммолари);

- Халқаро ҳамжамият Хавфсизлик Кенгаши сафини бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония каби давлатлар ҳисобига доимий аъзо сифатида кенгайтириши;

- БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош котиби ваколатларини янада кенгайтириш;

- Зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш ҳамда бу ташкилотнинг ўзига қарашли минтақавий тузилмаларини ташкил этиш ва бошқалар.

Президент Ислом Каримов “Биз ҳар томонлама бағрикенг ва ҳамдард халқмиз” асарида: “Қайси миллат, қайси давлатни бутун дунё тан олади?” — деб савол қўяди ва жавобан шундай дейди: “Ўзининг қадр-қиммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга, керак бўлса, бошқаларга ёрдам бериш, ўрнак бўлишга қодир бўлган бунёдкор ва салоҳиятли давлатни, халқ ва миллатни дунё аҳли тан олади, ҳурмат қилади”.

Шу маънода, Ўзбекистон “Қўшнинг тинч — сен тинч” тамойилига амал қилиб, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталик учун астойдил курашмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳозиргача тўрт бор БМТ Бош Ассамблеясининг анжуманларида (1993 йил 28 сентябр, 1995 йил 24 октябр, 2000 йил 8 сентябр ва 2010 йил 20 сентябр) нутқ сўзлаган бўлса, бу чиқишларида асосан минтақамиз аҳолиси оғирини енгил қилишга қаратилган ўта амалий ташаббусларни илгари сурди. 2002 йил октябрда Тошкентга ташриф буюрган БМТнинг ўша вақтдаги Бош котиби Кофи Аннан билан учрашув чоғида, шунингдек, 2010 йил апрелда Ўзбекистонга келган БМТнинг амалдаги Бош котиби Пан Ги Мун билан бўлган музокарада ҳам халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини минтақамиз аҳолиси ташвиш ва муаммоларига қаратди. Чунки бу масалалар дунё миқёсида ҳамжиҳатлик билан ҳал этишни талаб қилади.

“Орол денгизини кўриб, бу фалокатнинг бутун минтақа экотизимига етказган салбий таъсири кўлами нечоғли катта эканига ишонч ҳосил қилдим, — дейди БМТ Бош котиби Пан Ги Мун. — Қарийб бутун минтақа аҳолиси бошидан кечираётган офатни тасаввур қилишнинг ўзи оғир”.

Ҳақиқатан ҳам, Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий қуйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрланиш даражаси эса деярли 25 марта ортди. Натижада, бу ҳолат Орол денгизида илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага салкам 100 миллион тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳудуддан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Айни ушбу ҳолат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон томонидан БМТнинг юксак минбаридан таклиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган “Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури”да қайд этилган. Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожиасига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътибор қаратиш ғоят долзарблигини эътироф этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатида БМТ билан яқин ҳамкорлик йўлидан борар экан, бу борада бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида ҳам жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ), НАТО/СЕАП, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) миқёсида ўтказилаётган анжуманларда жафокаш афғон халқи бошидан кечираётган муаммоларни бартараф этиш, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, тобора авж олаётган наркоагрессияга тўсиқ қўйиш, экологик муаммолар ва уюшган жиноятчилик билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор бериб келаётир.

Мамлакатимиз халқаро муносабатларда ўзга давлатларга намуна бўла оладиган амалий ишларни йўлга қўйган. Маълумки, қарийб 37 йилдан бери афғон диёрида нотинчлик давом этаяпти. Бу кескин вазият нафақат Афғонистонга, балки унинг атрофида жойлашган давлатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам йиллар мобайнида ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Юртбошимиз бир неча бор таъкидлаганидек, биз учун энг муҳими тинчлик ва осойишталиқдир. Ўзбекистоннинг Афғонистонга киритаётган инвестициялари афғон халқининг турмуш даражасини яхшилаш, бу диёрда тинчлик ўрнатиш ва қоларверса, эртанги бахтиёр ҳаётга умид уйғотишга хизмат қилаётгани БМТ анжуманларида ҳам эътироф этилмоқда. Ҳозиргача Ўзбекистон саъй-ҳаракати билан Афғонистонга 100 км. дан кўпроқ темир йўл олиб кирилди. Мамлакатимиз Қобул шаҳрига электр энергияси етказиб бераётган биринчи ва ҳозирча ягона давлатдир.

БМТ Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга юқори баҳо бериб, жаҳон миқёсида ҳамон эътироф қилинаётган “ўзбек модели”нинг халқаро аҳамиятини таъкидламоқда. Хусусан, озиқ-овқат дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги, қишлоқ хўжалигида катта ютуқлар қўлга киритилганлигига, таълим тизими ва соғлиқни сақлаш соҳасида Ўзбекистон имкониятларига юқори баҳо берилаётир. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимиздаги таълим соҳаси ривожидан мамнун бўлиб: “Инсонлар — ҳар қандай миллатнинг энг катта бойлигидир, лекин бу бойлик сифатли таълимга асосланмоғи лозим”, деб уқтирди.

Ёдингизда бўлса, яқин икки-уч йил аввал Франциядаги нуфузли илмий муассасалардан бири 141 та мамлакатдаги таълим тизимига нигоҳ ташлаб, бу соҳага бўлган эътибор масаласида бизнинг мамлакатимиз иккинчи ўринни эгаллаб турганлигини жаҳон аҳлига, шу жумладан, БМТга ҳам маълум қилган эди. Мана бу рақамларга эътибор бersак:

2014 йили ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди. Фақат 2014 йилда 6,5 миллион нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Албатта, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хулоса шундан иборатки, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф қилинаётганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар барқарор ички ва ташқи сиёсатнинг натижасидир.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинди. Кексаларга бўлган эътибор, аввало, тинчликнинг қадрига етиш, бу борада биринчи галда тинчлик учун курашмоқ кераклигини англаб етиш масъулияти билан боғлиқ. Кўриб турибмиз ва кузатмоқдамиз, жаҳоннинг турли минтақаларида ва бизнинг ён-атрофимизда вазият ўта кескин ва қалтис. Ўзбекистонимиздаги тинчлик ва осойишталик нималар эвазига шаклланганлиги, қарор топганлиги ва барқарор мазмун касб этганлигини ҳар бир фуқаро шукроналик ҳисси билан идрок этмоғи даркор.

Бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар 3 миллионга яқин, 80 ёшдан ошганлар 225 минг, 90 ёшдан ошганлар 44 минг ва қарангки, 100 ёшдан ошганлар 8700 кишини ташкил этмоқда. Бу йил Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги кенг нишонланади. Ҳозир мамлакатимизда 3 мингдан ортиқ уруш қатнашчиси, салкам 70 минг нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар яшаб келмоқда. Ватанимизнинг мусаффо осмонини асрашда, ҳар қандай офатларни остонамизга йўлатмаслик, она юртимизни фашизм балосидан ҳимоя қилишда кекса авлод вакилларининг қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшгани, мамлакатимизни тиклаш, унинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маънавий салоҳиятини оширишда нуроний кексаларимиз намоён этган фидойиликни биз ҳамиша катта миннатдорлик билан эслаймиз, қадрига етамиз.

Халқаро ҳамжамият олдида турган энг улкан вазифа ҳам тинчликни сақлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлашдан иборатдир. Она диёримиз — Ўзбекистон БМТга аъзо давлат сифатида тенглар ичида тенгдир. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, нуфузи ва мавқеи бор. Буни турли соҳада мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқлар яққол кўрсатиб турибди. Жонажон Ўзбекистонимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан, мана, 23 йилдирки, узвий ҳамкорлик қилиб, инсониятга яхшилик улашиш ва дунёда тинчликни сақлаш учун курашиб келмоқда.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Ёлғиз яшовчи қўшни онахонга кўмаклашиб, уни озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаб тураман. Яқинда онахон уй-жойини менга қолдиришини билдирди. Айтинг-чи, ушбу фуқаро уй-жойини менга қолдириш ҳуқуқига эгами? Уни расмийлаштириш тартиби қандай бўлади?

Мунира ЭГАМҚУЛОВА,
Гулистон шаҳри

ЖАВОБ: Фуқароларнинг уй-жойга эгалик қилиш, тасарруф этиш, сотиш, ҳадя қилиш, бошқа шахсга беришга доир ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Фуқаролик Кодексининг 530- ва 531-моддаларида умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномасини тузиш тартиби белгиланган.

Унга мувофиқ, уй-жой ёки уйнинг бир қисмини олувчи шахс ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа шахсни умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Умрбод моддий таъминлаш ўзаро келишувга кўра, натура ҳолида уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида амалга оширилиши мумкин.

Моддий таъминот олувчи эса уй-жой ёки уйнинг бир қисмини, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда расмийлаштирилади. Унда уйни бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой ёки уйнинг бир қисми, квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Моддий таъминлаш шартлари бажарилмаган ёки етарлича бажарилмаган тақдирда шартнома шартлари уй-жойни берувчининг талабига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бунда олувчи шартнома амал қилган даврда моддий таъминлашга ёки уй-жойни сақлаб туришга сарфлаган харажатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Олувчи вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой ёки уйнинг бир қисми, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганида ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

Алишер МИСИРОВ,
Гулистон шаҳар
2-ДНИ нотариуси

САВОЛ: Бизнинг корхонамизда 2-гуруҳ ногиронлари ишлаб келмоқда, уларга таътил бериш вақтида баъзи тушунмовчилик ҳолатлари юзага келади. Ишловчи 2-гуруҳ ногиронларига бериладиган узайтирилган таътиллар тўғрисида маълумот берсангиз.

Ш.ҲАМРОЕВ,
Бухоро вилояти

ЖАВОБ: Ишлаётган 1-ва 2-гуруҳ ногиронлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ айрим тоифадаги ходимлар сирасига киритилиб, уларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар кўзда тутилган. Жумладан, ишлаётган 1-ва 2-гуруҳ ногиронларига МКнинг 135-моддасига мувофиқ 30 календар кундан иборат узайтирилган таътил берилади. Ишлаётган 1-ва 2-гуруҳ ногиронларини тўлиқ, 0.5 ёки 0.25 ставкада эканлиги таътилнинг муддати қисқартирилиши учун асос бўлмайди. Шунингдек, одатда йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан сўнг берилади, аммо ишлаётган 1-ва 2-гуруҳ ногиронларига уларнинг хоҳишига кўра олти ой ўтмасдан олдин ҳам берилиши ҳамда таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак.

Фаррух НАЗАРОВ,
ТДЮУ ўқитувчиси

САВОЛ: Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинми?

А. ОЧИЛОВ,
Сирдарё тумани

ЖАВОБ: Фуқаролик кодексининг 1130-моддасига кўра тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмас. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги ушбу кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидаларига ҳам асосланади.

Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан мулкий оқибатларга эга бўладиган шахснинг даъвоси бўйича васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг ушбу кодексда белгиланган тартиби бузилиши натижасида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги васиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди.

Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Барно ИСЛАМОВА,
Сирдарё тумани 3-ДНИ
нотариуси

Бугуннинг гапи

Интернет клубларда ўтириб интернетдан фойдаланаётганда ҳамма ҳам ўз маълумотларини ҳимоя қилмайди. Бунинг оқибатида, шахсий маълумотлардан бошқаларнинг турли хил, энг ёмони, ғаразли мақсадларда фойдаланишига йўл очиб берилади.

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...



Сайтларга кириш учун турли дастурлардан (Opera, Mozilla Firefox, Google chrome, Amigo ва бошқалар) фойдаланилади. Бу дастурлар эса, ўз навбатида, ҳар бир киритилган маълумотни, кирилган сайтлар рўйхатини сақлаб боради. Демак, фойдаланувчи иш фаолиятини юрита туриб, ўз маълумотларини дастур хотирасига ёзиб боради. Айниқса, охирги пайтларда электрон пуллардан фойдаланувчилар кўпайиб бормоқда. Улар умумий интернетдан фойдаланиш жойларида интернетдан фойдаланиши ва эҳтиётсизлик қилиши оқибатида нафақат маънавий, балки молиявий зарар кўришлари эҳтимоли катта.

Агар сиз интернет тармоғидан интернет клубларда фойдалансангиз, биринчи навбатда, электрон манзилингиздан, ижтимоий тармоқдаги профилингиздан ва бошқа сайтлардаги рўйхатдан ўтган профиллардан чиқиб кетишни унутманг. Файлларни юклаб олган ёки жўнатган бўлсангиз, уларни компютер хотирасидан тўлиқлигича ўчириб ташлаш эсингиздан чиқмасин. Электрон пуллар орқали фаолият юритадиган шахслар хизмат кўрсатувчи сайтдан хавфсизлик йўриқномаларига тўлиқ амал қилган ҳолда фойдаланиши, пул тўловларини ўтказаётган вақтда онлайн дўконлар, пулли хизматлар кўрсатадиган сайтлар ҳақиқийлигига, уларнинг қонуний фаолиятига ишонч ҳосил қилган ҳолда тўловларни амалга ошириши лозим.

Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган даврда оддий ҳолатларда ҳам ахборот хавфсизлигига риоя қилиш юзага келиши мумкин бўлган муаммолардан ўз-ўзини суғурта қилиш демакдир.

Улуғбек ИСМАТОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси

Реклама ва эълонлар

«SURXON GRAND BROKER» масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2015 йил 3 апрел куни соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. DT «XALQ BANK» Сурхондарё вилоят филиалига тегишли бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 19 AI 634 бўлган «НЕКСИЯ» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги автомашинанинг бошланғич баҳоси — 9 573 186 сўм. 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/432 ВАА бўлган «НЕКСИЯ СОНС» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги автомашинанинг бошланғич баҳоси — 7 961 867 сўм. 1999 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 19 AF 214 бўлган «ДАМАС» русумли техник таъмирталаб ҳолатдаги автомашинанинг бошланғич баҳоси — 9 380 566 сўм.

Юқоридаги мулк 2015 йил 3 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 20-22-24 апрел кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON GRAND BROKER» масъулияти чекланган жамиятининг ХАББ "Траст банк" Термиз филиали МФО-01063, ИНН 302072717, 20208000704929091001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (99894) 201 04 04.

Хизматлар лицензияланган.

«Universal Realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 26-уйда жойлашган «UzGazOil» МЧЖга қарашли қуйидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда:

- Фарғона вилояти, Риштон тумани, Риштон ҚФЙ, Қалайнав қишлоғида жойлашган 104-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 70 000 000 сўм;

- Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Андижон кўчасида жойлашган 108-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 110 000 000 сўм;

-Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Кулла қишлоғида жойлашган 110-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 50 000 000 сўм;

-Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, Назармархам қишлоғида жойлашган 117-сонли АЁҚШ, бошланғич баҳоси 130 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 31 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 30 март куни соат 15:00да тўхтатилади.

Ушбу кунда сотилмай қолган АЁҚШлар ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 7-, 14-, 21-, 28 апрел кунлари ушбу кунларда сотилмаган тақдирда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15:00да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан мулк олди-сотди шартномасини имзолаши керак.

2. Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига «Qibray-Ibragimov Mausumboy» фермер хўжалигига тегишли Тошкент вилояти Қибрай тумани, Чинобод ҚФЙда жойлашган 31.2 га ер участка майдонида жойлашган 4400 туп гилос, 1010 туп олма, 2200 туп олхўри ва 1600 туп шафтоли дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилади. Бошланғич баҳоси 8000000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 31 март куни соат 10:00 да Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 30 март куни соат 18:00да тўхтатилади. Ушбу кунда сотилмай қолган дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 7-, 14-, 21-, 28 апрел кунлари соат 10:00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖнинг ОАТБ «Капитал банк» МФО-00445, СТИР-302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: 150-35-55 Факс: 236-26-65 www.realtor.uz Email: universal.realtor@mail.ru

Лицензия RR-0127.

Юқоридаги АЁҚШлар бўйича "Ishonch" газетасининг 2014 йил 31 майдаги 66-67(3416)-сони ва 2014 йил 23 августдаги 102-103-сонларида берилган хабарномалар ўз кучини йўқотганлигини маълум қиламиз.

Хизматлар лицензияланган.

2015-yil 28-fevral, shanba, № 28 (3533), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«Тонгларингиз кулсин, дориломон, ҳур»



Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур,
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин, дориломон, ҳур,
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.

Халқимизнинг севимли шоири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мамлакатимизнинг энг истеъдодли қизлари адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат каби йўналишларда ушбу мукофот билан тақдирланмоқда.

2008 йилда пойтахтимизда шоира хотирасига бағишлаб маҳобатли монумент барпо этилгани Зулфиянинг миллий адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссаси, бетакрор ижодий мероси, самарали фаолиятининг яна бир юксак эътирофидир.

Шоиранинг «Сайланма» китоби чоп этилди. Инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима этилган шеърий тўпламлари китобхонлар учун ўзига хос туҳфа бўлди. «Зулфия замондошлари хотирасида» китобида адабиётшунослар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, мунақкидларнинг эл суйган ижодкор ҳақидаги ёрқин хотиралари, қимматли фикрлари келтирилган.

Шоиранинг «Хотирам синиқлари» достони асосида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда спектакл тайёрланди. Зулфия ижодини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида «Саодат» журнали қошида «Зулфияхоним мактаби» тўгараги ташкил этилиб, шоиранинг ижтимоий фаолияти ҳақида ёшларга батафсил маълумот берилмоқда. Шоира ижоди акс эттирилган махсус веб-сайт ишга туширилди.

Кечада ўзбек киноижодкорлари томонидан Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишлаб тасвирга олинган ҳужжатли филм намойиш этилди.

Тантанали кечада Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг келини Риоя Олимжонова юртимизда адабиёт, санъат ва маданият аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор, сўз санъати равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилган ижодкорларнинг адабий меросини ўрганиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, хотирасини эъзозлаш йўлидаги бетимсол эзгу саъй-ҳаракатлар, меҳр ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

СОҒИНИБ

Шу кунларда баҳорга зорман,
Навжувонлик ўти танда йўқ.
Куз сингари заъфар рухсорман,
Мевалар ҳам шохлардан узуқ.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Танхасталик эзади руҳим.
Танҳо эмас, қаторда борман,
Яна нени излайди суқим?

Шу кунларда баҳорга зорман,
Шаффоф, ёрқин куй тилар кўнгул.
Яхшиямки, қаламга ёрман,
Сўзлаб турар бор дилимни ул.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Ўз баҳорим каби бемисол.
Баҳор қайтмас, ёнувчи қорман,
Ё нўноқ кўл бутаган ниҳол.

Шу кунларда баҳорга зорман...

ЭЪТИРОФ

...Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўйган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди.

Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аяғани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-андуҳ ва ҳасратларини матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбек поэзиясида Зулфия деган номнинг чақнаб пайдо бўлиши — тонг юлдузининг туғилишига тенг воқеа бўлгани ҳануз эсимда, ўша тонгнинг ўзидай рост ва ёрқин ҳақиқат бу ўзи.

МИРТЕМИР

Ўза сурати

МУНОСИБ ИЗДОШЛАР

Бугунги кунда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларнинг сони 212 нафарга етди. Уларнинг 46 нафари адабиёт, 59 нафари маданият, 41 нафари санъат, 24 нафари фан, 42 нафари таълим йўналишларидаги ютуқлари билан ушбу мукофотга лойиқ топилган.

***

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари орасида фан номзодлари ва турли соҳаларда етакчилик қилаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг 20 нафарга яқини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Навоий, Ибн Сино номидаги давлат стипендиати, 30 нафари спортнинг турли йўналишларида Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионларидир.

***

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг 8 нафари 2014 йилги сайловларда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига сайланди.

САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти қизларимизни юксак мақсадлар сари руҳлантирмоқда. «Зулфияхоним қизлари»га бугун барчанинг, айниқса, ёшларнинг ҳаваси бўлакча.

Мен Хоразм вилоятида ушбу мукофотга сазовор бўлган қизларнинг биринчисиман.

Ёшлигимдан Хоразм халқ қўшиқларини эшитиб ўсдим. Санъатга бўлган қизиқишимни отам Аминбой Жуматов қўллаб-қувватлади. 5-6 яшарлигимдан бошлаб вилоят ва республикада ўтказилган болалар санъат байрамларида иштирок этганман. 1995 йили Бутунжаҳон болалар фестивалида «Мерос» болалар фолклор гуруҳи таркибида қатнашдим. 1997-2000 йилларда «Ўзбекистон — Ватаним маним» танловида фахрли ўринларни қўлга киритдим. 2001 йилда Франция, Германия, Белгия шаҳарларида бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунларида иштирок этдим. 2002 йилда академик лицейни имтиёзли диплом билан тугатиб, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултети талабаси бўлдим. Кейинчалик ушбу даргоҳда магистратура ва аспирантура йўналишларида таҳсил олдим. 2008 йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган «Энг яхши магистрлик диссертацияси» республика кўрик-танловида 1-ўринни эгалладим. Ҳозирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилояти ҳудудий бўлимида «Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва демократлаштиришни мониторинг қилиш» гуруҳининг катта мутахассиси лавозимида фаолият юритиб келмоқдаман.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуднинг 100 йиллиги мамлакатимизда маънавият байрами сифатида нишонланаётгани биз «Зулфияхоним қизлари» учун ҳам масъулият, ҳам катта рағбат бўлди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори аёлга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлиб қолмай, ижод аҳлига ғамхўрлик ва эътиборнинг ўзига хос рамзи бўлди.

Зулфияхонимнинг Шарқ аёлига хос ибратли ҳаёт йўли барча хотин-қизларга ўрнак ҳисобланиб, маънавий жасорат, меҳр ва садоқат тимсолига айланган.

Дилрабо ЖУМАТОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси

Боқий сатрлар тароватн

Ўзбек халқининг оқила фарзанди, ижод олами гўзаллик нурлари билан безанган Зулфия ижодида она Ватан мадҳига бағишланган шеърлар кўплаб топилади. Шоира «Юртимни куйлайман» шеърида шундай ёзган:

Кўкси хазинага бой тоғларингга
Қараркан, ҳавасим тоғлардан ошди.
Қўйнидан отилган шўх ирмоқларга
Куй айтиб ҳур, эркин қўшиғим тошди.

Ўлкамизнинг бойлик ва гўзалликка кон пурвиқор тоғлари, унинг шўх ирмоқлари бу юртнинг ҳурлик қўшиғини айтишга интилувчи кишилар учун аслида шундай безавол илҳом булоғи ҳисобланади.

— Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним нафақат Марказий Осиё халқларининг, балки муаззам Шарқнинг, дунё маданий оммасининг ҳам севимли сўз санъаткори, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмас, — дея эҳтиромини баён қилади Сейитназар Сейдий номидаги Туркман давлат муаллимчилик институтининг доценти, филология фанлари номзоди Акмират Тажимов. — Мен бу жозибали шоиранинг ижод оламида Навоий ва Махтумқулининг донишмандлигини, Насимий ва Машрабнинг исёнкорлигини, Фузулий ва Мулланафаснинг дилбар лирик тароватини кўраман. Туркман адабиётшунослигида Зулфия шеъриятини туркман ижодкорларининг маҳсуллари билан қиёсан ўрганиш, шоиралар фаолияти билан алоқадорликда талқин этиш илмий, илмий-амалий усули етакчи ҳаракат сифатида кўзга ташланади. Чунки шоира ХХ аср Марказий Осиё ижодкор аёллари ўртасида етакчиси, умумадабиётимиз тараққиётида ҳам ғоят йирик сўз санъаткори даражасига кўтарилган бетакрор ижодкордир. Шахсий оилавий ҳижрони олдида ҳам енгилмаган тўмариссифат Зулфияхонимнинг миллий истиқлол ғоялари билан чулғанган ижоди қардош ўзбек элида ҳамиша юксак қадрланиб келиши жуда ибратлидир. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Зулфия шахсиятини қадрлаш борасида амалга оширилган эзгу ишлар дунё эътирофига сазовор бўлмоқда. Масалан, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг ташкил этилиши натижасида юзлаб ижодкор ва зукко қизлар номининг элга танилиши шундай эътиборнинг энг ёрқин кўринишидир. Тошкентда Зулфия ҳайкалининг барпо этилиши — бу эзгуқалб аёл тимсолининг намойиши каби миллионларнинг маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этмоқда. Энди эса муҳтарам Президентнинг фармони асосида Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётгани тараққий топган дунё маданиятида ҳам ибратли ҳодисадир. Аёлини бу қадар эъзозлаган Ўзбекистонга, унинг маърифатли халқига, адолатли Юртбошисига фақат ҳавас қилиш мумкин...

Зулфия асарларида севги-муҳаббат, табиат гўзалликлари, маънавий-маърифий, фалсафий ғоялар талқинига алоҳида эътибор қаратган:

Юрагингда бир ғаш бўлса мабодо,
Уни менинг меҳрим ўти куйдирсин...

каби теран сўзлари унинг ижод олами марказидан ўтувчи энг долзарб ҳақиқатларнинг адолатли поэтик иньикоси саналади.

Ўзбек халқининг яқин дўсти, жаҳоншумул адиб Чингиз Айтматов эҳтиром билан ёзган эдики, «...Зулфия шеърияти замонавий ўзбек шеъриятининг порлоқ саҳифасини ташкил этади. Мен шоира асарларида дилбарлик, донолик, бу — улкан маданиятнинг қўлга киритган улкан ютуғи эканлигини ҳам таъкидламоқчиман. Чунки Зулфия фақат ўз шеърларида гавдаланган тўла-тўкис аёл тимсолигина эмас, балки у мукаммал шахс ҳамдир».

Хулоса шуки, Зулфиянинг боқий сатрлари қалбимизни эзгулик нури бўлиб ҳамиша ёритади.

Абдуғаффор ХОН,
Ўзбекистон-Туркманистон Дўстлик жамиятининг фаоли, адабиётшунос олим ва таржимон

Шеър бу — чақмоқдай оний туйғу. Унинг сувратини чизиб улгурсанг — улгурдинг, йўқса етмиш икки томирингга сим-сим оғриқ солиб юраверади.

ЗУЛФИЯ

ЭҲТИРОМ

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йилнинг 10 июнида «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони асосида Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 13 сентябрдаги «Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида»ги қарори асосида ардоқли шоирамизнинг бадиий сиймоси яратилди.

***

Зулфияхонимнинг 100 йиллик таваллуди муносабати билан шоира қаламига мансуб «Хотирам синиқлари» достони асосида спектакл тайёрланиб, юртимизнинг барча театрларида намойиш этилди. Шунингдек, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида «zulfiyaxonim.uz» веб-сайти яратилди.

Саботи ҳар қандай таҳсиндан ортиқ

Дунёнинг атоқли адиблари Зулфияхоним ҳақида илиқ фикрлар билдирган, унга бағишлаб шеърлар ёзган. Шундай самимий, эҳтиромга йўғрилган сатрларни ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек Зулфиянинг ижод оламига қўйган илк қадамларини эслаб шеърларининг самимийлигидан суюнганини эътироф этган бўлса, Ғафур Ғулом шоирага ҳурмат-эҳтиромини:

Умрларча давом этсин Ватан
уфқида парвозинг,
Замон акси садосидек жаранглаб
турсин овозинг,
Асрларнинг нидоси янграган ҳар
парда — сатрингким,
Ҳаётий шашмақомлардир юрак
зарбига тенг созим...

каби сатрларда ифодалаган эди.

Ҳаёт синовларига дош берган, метин иродали шоиранинг саботи ҳар қандай таҳсиндан ортиқ эканлигини болқор шоири Қайсин Қулиев алоҳида таъкидлаган.

Зулфия шеърларининг таржимони, таниқли рус адиби К.Симонов «Мен ўз вақтида Зулфия шеърларини ҳаяжон ва ҳурмат билан таржима қилганман, зеро, бу шеърлар инсонийлик, беқиёс оташин муҳаббат ҳақидаги шеърлардир. Менинг назаримда, Зулфия ўзининг бутун аёллик латофати ва нафислиги билан бирга мана шундай баркамол инсон, бақувват ва мустаҳкам иродали шоирдир», дейди.

Шоира ўзи ёзганидай:

Аёл бахти!
Мендай аёл бахтига
Тақдир маликани кўрганми лойиқ?
Халқ меҳрида, ёрман
эл шуҳратига,
Бахтли аёл деса ҳақли халойиқ.

Иродахон ПЎЛАТОВА,
ўқитувчи

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 22:00
Topshirildi — 23:20

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma T — 215 20536 nusxada bosildi 1 2 3 4 6